



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 200 (9846).

1990 йил
19 октябрь
жума

Баҳоси 3 тийин.

• Истеъдодларга кенг йўл

ХОРИЖГА... ИШЛАШ ВА ЎҚИШ УЧУН

Истеъдодли ёшларни қўлловчи Улуғбек номли жамғарма билан Ўзбекистон ёш олимлари ва мутахассислари уюшмаси хорижий дорилфунунлар ва илмий марказларда ўқиш ва иш ўрганиш учун истеъдодли ёшлар гуруҳларини тузишга киришди.

Жумладан, халқаро ва ўқув алоқалари (АЙРЕКС) шўбаси билан биргаликда шу йилнинг октябрь-ноябрь ойларида туркум лекция-маслаҳатлашулар ўтказиш тўғрисида битимга эришилди. Бундай маслаҳатлашулар чоғида АҚШ дорилфунунлари ва илмий марказларида аспирантурага кириш ёки иш ўрганиш учун даъвогарлар аниқланади. Шундан сўнг номзодлар инглиз тилидан дастлабки имтиҳон топирадилар, махсус система бўйича синовдан ўтадилар. Танлаб олинган ёшларга «АЙРЕКС» ва Улуғбек номли жамғарма моддий ёрдам беради. Лекциялар ва имтиҳонларда қатнашиш учун 20 октябрда жамғарманинг Тошкент уй-жой-иқтисодий банкдаги 004700008-сон ҳисоб дафтарчасига йигирма беш сўм ўтказиш зарур. Тошкент уй-жой-иқтисодий банкнинг коди 73427. Бадал ҳақини жуъатган ёшлар таклифномалар ва анкеталар олишади. Саралаб олинган ёшлар 1991 йилдан Америка Қўшма Штатларининг дорилфунунлари ва илмий марказларида тижорат ва менежмент докторларини тайёрлаш дастурига мувофиқ таълим оладилар, шунингдек танланган мутахассислик бўйича иш ўрганадилар. (ЎзТАГ).

ЯНА БИР ХЎЖАЛИК МАРРАГА ЕТДИ

ГАЛАБА ноҳиясидаги Дмитриев номидаги жамоа хўжалиги йиллик режасини бажарди. 2053 гектар ердан 5700 тоннага яқин пахта ҳосили йиғиштириб олинди. Хўжаликнинг И. Ким, Т. Қўлатов, П. Кайлар бошлиқ бригадаларида ҳозир мажбурият ҳисобида пахта терилляпти.

Т. МЕҲМОНҚУЛОВ.

ЧИНОЗ ноҳиясидаги Киров номидаги жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил давлатга 2200 тонна пахта топшириш режасини олишган. Аҳмаджон Хўжамёров бошлиқ бригада пахтакорлари эса 89 гектар ердан 33 центнердан ҳосил олиб, хўжаликда бичирчилардан бўлиб белгиланган маррага етиб келишди. Суратда: Аҳмаджон Хўжамёров (орқада) кўринишда) механизатор Серикбой Бекжонов ва жамоа раиси Ҳамид Ахромовлар.

ТЕРИМ КУНДАЛИГИ

Вилоятимиз ноҳияларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 18 октябрда бўлган

МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фойз ҳисобида)
Биринчи устун — ноҳиялар; иккинчи устун — бир кунда тайёрлангани, учинчи устун — мавсум бошидан буён; тўртинчи устун — машина терими бир кунлик; бешинчи устун — мавсум бошидан буён.

УРТА ЧИРЧИҚ КОММУНИСТИК	1,06	106,77	1,36	130,96
БҲКА	0,79	105,02	0,75	123,74
БҲКА	1,07	96,41	1,18	110,42
ЧИНОЗ	1,46	93,84	1,68	92,53
ГАЛАБА	1,29	93,51	1,43	107,68
БЕКОВОД	1,09	92,98	0,93	93,24
ОҚҚУРҒОН	1,06	92,98	1,11	102,82
ПИСКЕНТ	1,22	92,96	1,38	94,00
АНГИНИЗ	1,40	80,03	1,33	81,04

вилоят бўйича: 1,15 95,11 1,17 100,45

Қўшимча 500 тонна

АҚМАЛ ИКРОМОВ номидаги жамоа хўжалигида машина терими бўйича олинган режа бажарилди. Айтиш керакки, хўжаликда ҳар бир машина ҳисобида терилган пахта анча юқори кўрсаткич — 125 тоннага ташкил этади. Яна бир муҳим жойи — бу жамоа мисолида асосий эътибор техникага қаратилганда, қўл теримчиларига ҳоҳат ҳам қўлмаслигини кўришимиз мумкин. Хонадонлар шундай қизгин паллада ўзларининг деҳқончилиги билан оғир ва умуман олганда уларни теримга тортишининг ҳам кўп ҳужати бўлган.

Э. ТУЛАГАНОВ.

СУРЪАТ

ТЕЗЛАШМОҚДА

Айни кунларда пахта терими мавсуми энг долзарб далага кириб бормоқда. Бўна ноҳиясининг пахтакорлари ҳам шу кунгача давлат қабул пунктларига 20168 тонна пахта етказиб бердилар. 14—15 октябрда мазкур ноҳияда йигим-терим сўсагани йўқ.

Терим сўратининг юқори бўлишига «Ленин» жамоа хўжалигининг меҳнаткашлари ўзларининг муносиб улушларини қўшимча қилишга, баъзи кунларда 8—9 фойз миқдорда ҳосил териб олинди. Ушбу хўжалик деҳқонларининг уйга хирмонлари шу кунгача 2100 тоннадан ошди. Механизаторлардан С. Раҳмонов, С. Қўдратовлар ҳар кун 10—12 тоннадан зёёд «оқ олтин»ни ўз машиналари бункеридан тўкишди. Илгори теримчилардан Ҳасиба Усмонова, Соҳиба Эргашева, Салима Эшоновалар эса 120—150 килограммдан пахта териб ўз ҳамкасбларига ўрнат қўйишмоқда.

Н. РАФИҚОВ.

Суратчи А. МАЛЬЦЕВ.



ИМКОНИЯТЛАР ИШГА СОЛИНМОҚДА

ЯНГИЎЛ ноҳиясидаги «СССР 60 йиллиги» жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 678 гектар ерга чигит экишган. Давлатга 2100 тонна пахта топширишмоқчи. Айни кунларда хўжалик деҳқонлари йигим-теримни уюшқоқлик билан давом эттиришмоқда. Об-ҳавонинг ноқулайликларига қарамай, хўжаликда терим агрегатларидан самарали фойдаланишмоқда. Раҳимберди Назаров, Юсуф Мамарасимов, Абдурахмон Умурзоқов, Александр Чуклаев сингари механизаторлар ҳозиргача 100 тоннадан ошириб пахта теришди. Айни кунларда ҳам хирмонга барак кiritишмоқда. Бу йил хўжаликда бригадалар ўртасида ташкил этилган мусобақага ҳам янгича ёндашилмоқда. Ҳалилар ўз вақтида моддий рағбатлантириб боришмоқда. Йиллик маррани муддатидан илгари бажарган Аҳмад Алижонов, Неймат Исроиллов, Бўлат Боботов, Маматқул Абдурахимов урқоқлар бошчилиги қилаётган бригадаларнинг жамоалари бу борада пешқадамлик қилишмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, хўжаликда қўл теримида иштирок этаётганлар иш ҳақини ўз вақтида олишмоқда. Ҳозир ҳар кун 200 дан ортиқ киши теримга чиқаляпти. Ойсултон Хоназарова, Ой-тилла Усмонова, Гулбаҳор Зоинова, Соҳиба Усмонова каби кўпмигикилограммчилар кунига 100 килограммдан ошириб пахта теришмоқда. — Ҳозир пахтакор учун ҳал қилувчи палла бошланди, — дейди хўжалик раиси И. Эралиев. — Об-ҳавонинг тез-тез айланиши даладаги ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш учун қўшимча имкониятларни ишга солиш кераклигини кўрсатяпти. Биз шундай йўл туталмиш. Механизаторларга ва теримчиларга тўланаётган ҳақни янада ошириш юзасидан қарор қабул қилдик. Бундан ташқари теримда қўшимча — одамлар сафарбар этилмоқда. Ҳа, жамоа хўжалиги марра сари далил олинмаб бормоқда. Бунда ҳар бир деҳқоннинг муносиб улуши бор.

Э. ТУЛАГАНОВ.

ТЕРИМЧИЛАР ДАВРАСИДА СУҲБАТ

Пискент ноҳияси хўжаликларига ҳам бирин-кетин пахта режасини бажарилмоқда. Биз Свердлов номидаги хўжаликда режа адо этилган кунда бўлиди. Хўжалик бош ҳосилоти М. Бадриддинов билан суҳбатлашдик. — Йиллик режани бажарганимиз билан ҳали дала-ларимизда ҳосил кўп, — деди у. — Ётиштирилган барча ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишнинг пайидамиз. Ҳозир фикри-ёқини далада, ҳозирги дамлар ганимат. Дарҳақиқат, бу йилги об-ҳаво деҳқонга танглик қилди. Далада мўл ҳосил етиштирилди. Жумладан, 1855 гектар ерда деҳқончилик қилган пахтакорлар йиллик режани йигирма иш кунини утқизди. Ҳосилдорлик гектарига 27,2 центнерни ташкил этди, қабул пунктларига 5050 тоннадан кўнроқ «оқ олтин» етказиб берилди. Хирмонга механизаторлар баракали ҳисса қўшди. Умумий ҳосилнинг 80 фойзга яқини «зангори бунер»лар ёрдамида териб олинди.

Тоштемур Акбаров, Тур-субой Анорқулов, Аваз Отақиев, шаронти қийин бўлган қир ерларда меҳнат қилаётган Жуман Қосимов бошлиқ бригада аъзолари меҳнатлари айниқса самарали бўлди. Уларнинг ҳар бири ҳосилдорлигини 28 центнердан ошириб, 200 тоннага яқин пахта топширдилар. Малис ана голиб бригадалар, илгори механизаторлар ва теримчилар ҳақида тўққизинчи ҳикоя қилар экан, бизни йиллик режани жуда оз фурсатда, уч иш кунини бажарган Тоштемур Акбаров бошлиқ бригадага таклиф этди. Биз бригада дала шийпо-

• Рўзномамиз ходимлари пахта далаларида

олиб, йиллик режамизни уч иш кунини бажардик. Бунда албатта механизаторларимизнинг ҳиссаси катта бўлди. С. Ҳидиров, Т. Анорқуловлар шу кунгача 130—150 тоннадан кўп пахта теришди. Қўлда терилган пахтанинг ҳар килограммига 25 тийиндан тўлашди. Янги келмакларимиз учун катта рағбат бўляпти. Жумладан, Топполлар оиласи пахта энг яхши оилалар қатарига кўнганда кунига 500 килограммга териб, ҳақларини ҳар беш кунда нафд санаб оладилар. Умуман, кишиларимиз жуда меҳнаткаш, фидокор. Уларнинг ҳар бири яхши-яхши очерк ёки лаҳза қадрамонлари бўлсалар арзийди. Лекин афсуски, кезинги пайтларда рўзномамизга ана шундай оддий деҳқонлар, уларнинг машаққатлари ҳақида жуда кам ёзла-

бий ҳодисалар ана шу тарбиянинг бузилганлиги оқибатидир. Энг аввало, ота-оналарнинг бунга вақти ҳам, сабри ҳам йўқ. Ахир — келажакимизнинг қандай бўлиши, давомчиларимиз бўлган фарзандларимизга боғлиқ-ку. Шу нуқтан назардан бу дунёни ишга, яъни келмак авлод тарбиясига муносиб улуш қўйишда рўзномамиз, унда берилаётган ўсириллар тарбияси, ахлоқ-одоб, оқил-барбати доир материалларнинг таъсири катта бўлади, деб ўйлайман. Шунинг учун бундай мавзуларда доим ёзиб туриш зарур деб ўйлайман.

С. ЭШОНҚУЛОВА, теримчи: Дарҳақиқат, кейинги пайтларда биз каби колхозчи аёллар, кўп болали оналарга эътибор, ғамхўрлик кучайди. Президентимиз чиқараётган Фармонларни рўзнома саҳи-

Салтанатхоннинг сўзларини унинг дугоналари — кўп минг килограмм теримчилар Ф. Эрзазарова, Н. Асқарова, З. Турғуновалар қўллаб-қувватлашди. Сўхбатимиз анча қизиб бормоқда эди, аммо ҳар фурсатини ганимат билан теримчилар пайкалар томон шундидилар. Биз айтиш кунларда ҳосилдорлигини 30 центнерга етказиб, хирмонни 6 минг тоннадан оширини учун курашайтган хўжаликдан бир олам таасурут билан қайтар эканмиш, раис Шомурод Эсеркепов, у бошқича жамоа хўжалиги меҳнаткашларини талаба билан яна бир бор қўллаб, уларга омад тиладик.

Зулхумор ЖҲРАЕВА, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ССЖ ОЛИЙ КЕНГАШИ ҚЎМИТАЛАРИДА

БЎЛАЖАК СЕССИЯ АРАФАСИДА

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши қўмиталари жумҳурият қонун чиқарувчи олий органининг учинчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокамала қилиш мақсадида Ўзбекистон ССЖ халқ депутатлари, экспертлар, халқ хўжалигининг иштирок этишмоқда. 15 октябрь кунини План ва бюджет-моллия масалалари қўмитаси Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичлари ва йўналишларини шакллантиришнинг асосий қондаларини ҳамда жумҳуриятнинг 1991 йил бюджетини қўриб чиқишга киришди. Ушбу масалаларни муҳокамала қилишда Олий Кенгашнинг бошқа бир қанча қўмиталари раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон ССЖ Давлат

етакчи мутахассислари иштирок этишмоқда. 15 октябрь кунини План ва бюджет-моллия масалалари қўмитаси Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш кўрсаткичлари ва йўналишларини шакллантиришнинг асосий қондаларини ҳамда жумҳуриятнинг 1991 йил бюджетини қўриб чиқишга киришди. Ушбу масалаларни муҳокамала қилишда Олий Кенгашнинг бошқа бир қанча қўмиталари раҳбарлари ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон ССЖ Давлат

режалаш қўмитаси раисининг ўринбосари А. Г. Корнеев ҳамда жумҳурият молия вазирининг ўринбосари В. С. Бегановнинг ахборотларида ҳукумат ишлаб чиққан дастурлар таърифида берилди, қайта қўриш жараёниларининг иқтисодий ислохотини чуқурлаштириш ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқлиги таъкидланди. Муҳокама қатнашчилари Ўзбекистон ССЖни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг кўрсаткичлари ҳамда йўналишлари қабул қилинган қонунлар ва тайёр

ланаётган қонун лойиҳалари билан пухтароқ боғланиши зарурлигини таъкидладилар. Режа ва бюджетни тузиш юзасидан амалий тақлифлар билдирилди. Уларнинг айрим йўналишлари бўйича назорат кўрсаткичлари йўқлиги таъкидланди. Олий Кенгаш сессиясига материаллар тайёрлашга доир бир қанча масалалар ҳам қўриб чиқилди. Мажлиси қўмида раис Э. Д. Воқибов бошқариб борди. (ЎзТАГ).

ТАНГЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

РЕЙТЕР агентлигининг мухбири Атланта (АҚШ) шаҳрида Америка Қўшма Штатларининг собиқ президенти Жимми Картер билан суҳбатда бўлиди. Унда Форс кўрфазидagi вазит, АҚШнинг танглик муносабати билан туташган йўллари тўғрисида фикр юритилди. Картер фикрича, Вирландан Милллар Ташкилотини ҳарбий можа-

ронини уруш йўли билан ҳал этишга розилик бермаса керак. Назаримда, деда собиқ президент, мабодо Америка Қўшма Штатлари можафон уруш йўли билан баргараф эътиш тўғрисида бир қарорга келадиган бўлса, унда қўрбонлар оммавий ахборот воситаларида тахмин қилинаётганидан ҳам кўпроқ бўлиши мумкин.

СИЕСИЙ арбобларнинг, ижтимоий гуруҳларнинг турли хил фикрларига қарамай, ҳар ҳолда Форс кўрфазидagi ҳарбий тангликнинг тинч йўл билан ҳал этишга мойиллик кўпчилик оғинга тобора мустаҳкамроқ ўрнашиб бормоқда. Франс Пресс ахборот агентлигининг хабарига қараганда, Бангладеш Ташқи ишлар вазирини 16 октябрда кунини ноароб олти ислом мамлакатлари номидан таъриб, Салдан Хусайини Қўвайтдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга чақирди. Бу тангликнинг тинч йўл билан ҳал этишга йўл очган бўлур эди.

ОМАНГА таъриф буюрган Франция Ташқи ишлар вазирини Ролан Дюма тангликнинг тинч йўл билан ҳал этиш мақсадида Франция ва Омон истиқболда ҳам Ироққа нисбатан қўлағиланган иқтисодий қамалини қўллаб-қувватлайверади, деб айтди.

КАТАРДА чиқадиган рўзномаларнинг хабар беришича, Ироқ президенти Саддам Хусейн барча оғла аъзоларини Ироқнинг шарқий ноҳияларидан биргача кўчирган. Бу иш улар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида амалга оширилди. Мабодо уруш харакатлари бошлангудек бўлса, президент оиласи аъзолари тайёрлаб қўйилган уч ҳарбий самолётда олиб кетилади.

ФРАКЦИЯ МАҚОМИ БЕРИЛМАДИ

МАЪЛУМКИ, яқинда бўлиб ўтган парламент сайловлари натижасида Германия бундестагига Демократик Социалдан партиясининг 24 киши депутат бўлиб сайланган эди. Бундестагнинг барча фракцияларининг парламент котиблари ДСПдан сайланган депутатларга парламент фракцияси мақоми бермаслигига қарор қилинган. Народа қайд қилинишича, 24 депутат сони алоҳида фракция ташкил этиш учун етарли эмас.

БОЛГАРИЯ ГЕРБИ ЎЗГАРАДИ

БОЛГАРИЯ Халқ Республикаси Буюк Халқ Мажлисининг конституцион ҳақда қонун чиқариш комиссиялари БХР гербининг ўзгартириш тўғрисида таклиф киритдилар. 15 кун муддат ичиде Буюк Халқ Мажлисига бўлажак герб ҳамда унинг лойиҳасини таллаш учун ўтказилган конкурс вақти тўғрисидаги таклифлар берилиши лозим. БХР давлат байроғидан ҳозирги гербин олиб ташлашга келишилди.

ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИШГА УРИНИШ

ЛИБЕРИЯДА давом этган бир неча ойлик фуқаролар уруши низоҳат тингандай бўлди. Миллий Ватанпарварлик Фронтини раҳбари Чарльз Тейлор сайловлар асосида Либериянинг янги ҳукумати тузиш тўғрисидаги таклиф беришди. Исенчилар радиосининг хабар беришича, Либерия марказидаги Гбанага шаҳрида турли ноҳиялардан миллий ассамблеяга сайланган кишилар ҳамда сенсий гуруҳларнинг вакиллари келмоқда. Ассамблеяга 30—35 депутат сайланади.

ПАНАМАЛИКЛАР ТАЛАБИ

ПАНАМА пойтахтида ҳамда қатор шаҳарларда кўп миқдордаги намоёнчилар бўлиб ўтди. Улар ҳукуматдан иқтисодий дастурини тубдан қўриб чиқиш, фавқулодда қабул қилинган қарорларни бекор қилиш, сенсий таълифларга чек қўйиш, ҳозирги

мавжуд иш ҳақларини оширишни талаб қилдилар. Мамлакат пойтахтида бўлиб ўтган намоёничи президент Гильермо Эндара қароргоҳи олдида келиб тўхтади. Унинг иштирокчилари президентга талабнома топширдилар.

УЧРАШУВ ТУГАДИ

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилотига Камбоджа бўйича Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоларининг учрашуви низоҳасига етди. Биргаликда қабул қилинган баёнотномада манфавтор томонлар шу йил охиригача Париж тинчлик конференциясини қайта қачириш ҳамда унда Камбоджага тегишли муаммоларни ишлаб чиқишга чақирилди.



МАМЛАКАТЛАР • ОДАМАЛАР • ВОҚЕАЛАР

• ОБУНА—91 •

• МУЛОҚОТ •

Мамлакатимиз

ҳаётидан

ВОҚЕАЛАР, ФАКТЛАР,
ХАБАРЛАРХАЛҚНИНГ ЎЗИ ҲАЛ
ҚИЛАДИ

● РОССИЯ парламенти аъзолари энг муҳим қонунлардан бири — РСФСР референдуми тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар. Лойиҳа муҳокамаси низоъда қизғин ўтди. Унинг кўпгина моддаларига тўзатишлар киритилди. Жумладан, РСФСР прокуратурининг тақлифи бўйича қонунчилик қўмитаси референдум ўтказиш вақтида қонун бузишларга йўл қўйилган ҳолларда жарима солишдан ташқари беш йилга озодликдан маҳрум қилиш жазосини ҳам белгилаб қўйиш тақлиф этди. Бу тақлиф қўлчилик овоз билан қабул қилинди.

ДЕПУТАТЛАР

КОМИССИЯСИНING
ХУЛОСАСИ ҚАНДАЙ
БЎЛАРИКЛИ

● МЕХНАТ конфедерацияси вакиллари кенгаши Москва атрофида қўшниқнинг яқиндаги ҳаракати тўғрисидаги фактлар махсус депутатлар комиссияси томонидан тасдиқланган тақдирда ССЖИ Мудоффа вазири Д. Язов ва ССЖИ ДХК раиси В. Крючков истеъфога чиқишни талаб қилмоқдалар. Маълумки, ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида депутат С. Белозерцев қўшниқлар ҳаракати тўғрисида хабар қилган эди. Бироқ, Д. Язов бу гапни рад қилган.

СИЕСИЯ ПАРТИЯЛАР ВА

ҲАРАКАТЛАР ЕТАКЧИЛАРИ
КЕНГАШИ

● МАРКАЗЛАШГАН (Центрист) блок тўзатган сиёсий партиялар ва ҳаракатлар етакчиларининг кенгаши бўлди. Унда халқ розилиги коалицион ҳукумати аъзолари кабинетининг рўйхати келишиб олинди. 23 вазирилик 30 номзод белгилаб қўйилди. Қонунчилик ташаббуси тартибда рўйхатини мамлакат президенти Михаил Горбачёвга, ССЖИ Олий Кенгашига ва халқ депутатларининг навбатдаги Иттифоқ съездида тақдим этиш мўлжалланмоқда. Центрист блок етакчиси Владимир Ворониннинг гапига қараганда у «сиёсий партиялар ва ҳаракатлар Марказий блокдан Анатолий Собчакнинг бош вазир бўлишига розилигини олган».

Центрист Ўлок ҳозирги

вақтда ҳосилини йиғиб-териб олиш муаммоларидан ташвишланиб, мамлакат фуқароларига қолғоз ва совхозларда етиштирилган ҳосилни ўзлари учун йиғиб олишларига рухсат берилишини талаб қилмоқда. Бунинг учун фуқароларга бепул техника ва транспорт ажратилиши лозим, деб ўқтирилмоқда.

УЧ ҚАРРА ҚўПАЙДИ

1990 йилининг биринчи ярми йили мобайнида Совет Иттифоқида қанча диний жамоалар рўйхатдан ўтказилди? «Московский комсомолец» рўномасида бу ҳақда қўйиладиган рақамлар келтирилади: рус православ черковис 759 та, мусулмонларнинг эса 268 жамоаси рўйхатдан ўтказилган. Шунингдек, ўғил катolik черковис, баптистлар ва бошқа диний жамоалар ҳам рўйхатдан ўтган. Айни вақтда 421 та черков ва мечит қурилиши бошланган. Диний жамоаларга 93 та бино сотилган ва бўш ётган 724 та бино топширилган.

Рус православ черковидан 192 нафар киши, мусулмонлардан 55 нафар киши, лютеранлардан 12, буддистлардан 5, арман апостол черковидан бир киши халқ депутатлари қилиб сайланган.

Ҳозир фаолият кўрсатаётган монастирлар сони 1988 йилдан бунён уч баробар ортди.

КАШПИРОВСКИЙ СОВЕТ

ФУҚАРОСИ БЎЛИБ ҚОЛАДИ

● КЕИНИНГ аунларда бир қалча матбуот агентликлари, телевидение ва радио орқали Кашпировский гўё Польшада қолди. Совет Иттифоқида қайтиб келмоқчи эмас, деган хабар тарқатилди. Бу хабар ҳусусида танқидчи психотерапевт қўйиладиган маълум қилди: Польшада мен катта амалий ва илмий иш олиб бордим. Бунинг учун жуда қўлай мақомотлар яратиб берилди. Менга католик руҳонийлари яхши муносабатда бўлмоқдалар, теледидеослар, психотерапия соҳасида тадқиқотлар дастуриини амалга оширишда мен асосан ССЖИга умид қилмаман. Бу ерда тегишли марказлар ташкил қилиш мўлжалланмоқда. Мен ССЖИ фуқароси бўлиб келганим, ҳозир ҳам шундайман, бундан кейин ҳам совет фуқароси бўлиб қоламан.

[Матбуот хабарлари асосида тайёрланди].



Илгари хабар берганимиздек, Тошкент ноҳиясидаги Карл Маркс номидаги ҳамда «Ленин йўли» жамоа хўжаликлари Улуг Ватан уруши қатнашчилари ҳамда меҳнат ветеранларининг «Тошкент ҳақиқати» рўномасига бепул, яъни хўжалик ҳисобидан обуна қилиш ташаббуси билан чиққан эдилар. Бу ташаббус жойларда қандай қўллаб-қувватланяпти? Келгусида газетхонлар рўномада қандай мавзуларда мақолалар эълон қилишмизни истайдилар. Мухбиримиз шу ҳақда Тошкент ноҳия партия комитетининг котиби Х. С. Сайдалиевага бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Ноҳиямиздаги икки жамоа хўжалиги ташаббус билан чиққанларидан сўнг бунга биринчилардан бўлиб Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги ҳам қўшилди. Тўғри, бундай ташаббусларни қўллаб-қувватлаш учун жамоа хўжаликлари иқтисодий жиҳатдан бақувват бўлишлари керак. Лекин шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш кераки, ноҳиямиздаги Охунбобоев номи жамоа хўжалиги ҳамда Абдураҳмонов номи совхозда ҳам обуна борасида яхши кўрсаткичларга эришилмоқда. Айрим муаммолар шу жойнинг ўзида ҳал қилинмоқда.

— Ҳалима Сайдалиева, ма-

на сиз ноҳияда мафкурaviй ишларга мутасаддиси. Шу бондан ҳам ҳар кун меҳнатчилар билан мулоқотда бўласиз. Уларнинг ўй-истаклари ҳамда дунёқарашлари сизга яхши таниш. Шундан келиб чиқиб, сиз келгуси йилдан рўномада қандай мавзуларда мақолалар эълон қилишмизни тақлиф қиласиз!

— Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги қайта қуриш жараёни жуда мураккаб кечмоқда. Кишиларга ошкоралик борасида берилган имкониятлар жуда кенг. Биз мана шу имкониятдан ўз ўрнида фойдаланишимиз керак. Бахтга қарши кейинги пайтларда матбуотда ошкоралик экан деб кўп нарсалар очки-ойди кўрсатилмоқда ва ёзилмоқда. Мен бу ўринда ёшлар ахлоқ-одобиға ҳос ҳамда турли беҳаё кинофильмларини назарда тутаяман, албатта. Бу эса ёшларимизнинг

тарбиясига ижобий таъсир қилмоқда, деб бўлмайди. Мен яқинда беҳосдан икки бола-нинг суҳбатлари устидан чиқиб қолдим. Улар зўр бериб бир-бирлари билан қандай қилиб киши ўзинга ўзи уқол қилиш ҳақида баҳслашшарди. Мен уларни тўхтатиб суҳбатлашдим. Маълум бўлишча, бешинчи-

ҲАР БИР ИШДА МЕЪЁР БЎЛСИН

— Ҳаммамизга маълумки, ҳозирги қайта қуриш жараёни жуда мураккаб кечмоқда. Кишиларга ошкоралик борасида берилган имкониятлар жуда кенг. Биз мана шу имкониятдан ўз ўрнида фойдаланишимиз керак. Бахтга қарши кейинги пайтларда матбуотда ошкоралик экан деб кўп нарсалар очки-ойди кўрсатилмоқда ва ёзилмоқда. Мен бу ўринда ёшлар ахлоқ-одобиға ҳос ҳамда турли беҳаё кинофильмларини назарда тутаяман, албатта. Бу эса ёшларимизнинг

оптимици сифат ўқувчилари экан. Бундай нарсани қаердан ўргатганларини сўрашганимда телевизор орқали кўришганини айтишди. Бу мисолни келтиришим бежиз эмас. Чунки биз кейинги пайтда кўпгина салбий нарсаларни ёшлар орасида тарғиб қилмаёмишми! Менимча, шу ҳақда турли муҳририятларнинг ижодий ҳодимлари ўйлаб кўришса ёмон бўлмасди.

— Кейинги пайтда ўзимизнинг шарқона одатларимиз ҳақида кўплаб ёзилди. Катта

ТОШКЕНТ
ҲАКИКАТИ

ЎТГАН ЙИЛГИДАН ОШАДИ

ШУ ҚУНЛАРДА ҳамма ерда рўнома ва ойномаларга обуна бўлиш қизғин давом этмоқда. Алоҳа ҳодимлари, жамоатчи матбуот тарқатувчилар, рўномаалар муҳлилари муштарийларнинг обуна ишларини расмийлаштиришда уларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. «Тошкент ҳақиқати» рўномасининг барча ижодий ҳодимлари ўтган шанба ва яшанба кунлари вилоятимизнинг турли ноҳиялари ҳамда ташкилотларида бўлиб, обунанинг бориши билан бевосита қизиқдилар. Мухаррират вакили Р. Умаров Бўна ноҳиясида бўлиб, обуна мавсумининг бориши билан танишди.

Муборак АСРОҚУЛОВА — обуна қабул қилиш пункти инструктори: — ноҳиямизда обуна мавсуми ҳозирча кўнглидагидек давом этмоқда. Сизнинг рўномадангизга ёилувчи муштарийлар сони мингга яқинлашиб қолди. «Тошкент ҳақиқати»га ёилдиш «Октябрь 40 йиллиги» «Лениннинг» Мичурий номи, Тимирязев номи жамоа хўжаликларида яхши кетяпти.

Мен жойларда тез-тез бўлиб тураман. Бу йилги обуна мавсумининг ўзини ҳосили шушунки, қайси рўнома одамлар қалбидан ташвишларини кўпроқ ёритади. Ҳа рўнома обуна мавсумида ҳам олдинга чиқмоқда. Кишилар билан ҳамсуҳбат бўлганимда, улар одоб-ахлоқ, онла, ҳуқуқ-тартибот мавзуларидаги мақолаларга кўпроқ қизиқишмакларини айтишди.

Муштарийлар сони тез кунлар ичида кескин кўтарилди, деб ўйлайман. Чунки хўжаликлар, ташкилот ва муассасаларда аслида газета-журналларга ёзилми ёмон кетаятгани йўқ. Бироқ, расмийлаштирилган ҳужжатлар бизларга кечкииб етиб келмоқда.

Эргаш ЙЎЛДОШЕВ — ноҳия «Пахтакорлар овози» рўномасининг муҳаррири: — «Тошкент ҳақиқати» рўномаси иш таърибаси ноҳия журналистлари ҳамда муҳбирлари учун бир қўлланма, десак ҳам бўлади. Бизнинг ноҳия рўномаамиз ҳодимлари

ҳам сизнинг газетангизни севиб мутлоа қиладилар. Шу бондан ҳам ҳар кун меҳнатчилар билан мулоқотда бўласиз. Уларнинг ўй-истаклари ҳамда дунёқарашлари сизга яхши таниш. Шундан келиб чиқиб, сиз келгуси йилдан рўномада қандай мавзуларда мақолалар эълон қилишмизни истайдилар. Мухбиримиз шу ҳақда Тошкент ноҳия партия комитетининг котиби Х. С. Сайдалиевага бир неча савол билан мурожаат қилди.

Ашурбой ДУСТМАТОВ — Ильяч номи жамоа хўжалиги партия ташкилот котиби: — Бизнинг хўжалигимиз ноҳияда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўлиб режасини бажарди. Албатта, бу қувончли ҳол. Қабул пунктларига 2900 тоннага яқин «оқ олтин» етказиб берилди. Хўжалик ишларимизни муваффақиятли амалга оширишда рўномаалар ҳам ўзинга ҳос хисса қўшди, десак янглишмаймиз. «Тошкент ҳақиқати» тез-тез бизнинг ноҳиядаги хўжалигимиз ҳақида ёзиб туради. Бундан одамларимиз хурсанд. Шу сабабдан ҳозирча 250 тага етди. Менимча, бу рақам узи-кеси-л эмас. Яқин кунларда газетга ёзилувчиларнинг сони янада кўпаяди.

Ғофиржон БОТИРОВ — Фрунзе номи жамоа хўжалиги раиси: — Шахсан мен ҳар кунимни рўномааларимиз тасаввур эта олмаман. Эрталабки ишни рўномаалар ва маълумотномалар кўришдан бошламан. Кечкурунлари эса кишига заъф берадиган мақолалар ўқилади. Бундай материаллар «Тошкент ҳақиқати» саҳифаларида анча-мунча кўп бўлади. Бошқа илгори хўжаликлар тақриблари, одобнома, мулоқот, инсон ва қонун, инсон ва табият руқнлари остида чиқадиган мақолалар бизларини, айниқса қизиқтиради. Шу бонис «Тошкент ҳақиқати»га ёзилми хўжалигимизда ёмон эмас. Ҳозирча уларнинг сони 120 кишига етди. Обуна давом этмоқда.

Равшан ОҚЎБТАЕВ — ноҳия умумий оқатланиш корхонаси директори: — Сизнинг газетангизга обуна бошлангани билан оқизнинг ҳодимларимиз биринчи бўлиб шу рўномага ёзилдилар. Гулчехра Шоматова, Мустафакул Асрокўлов, Ҳаким Холбутаев қабуллар шудлар жумладан қилди. Бизнинг жамоамиз катта эмас. Шундай бўлса ҳам ҳозирча «Тошкент ҳақиқати»га 35 киши обуна бўлди.

ЁЗИЛДИНИГИЗМИ?

ХЎРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

1991 йил газета ва журналлари учун обуна 31 октябрга-ча давом этади. Келаси йилда ҳам «Тошкент ҳақиқати» газетасини мунтазам олиб туришни истасангиз шу кунларда унга обуна бўлишни унутманг. Бунинг учун «Союзпечать» агентлигига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилсангиз бўлади. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишади.

«Тошкент ҳақиқати»га обуна исталган муддат учун қабул қилинади.

Эслатиб ўтамиз: газетанинг обуна баҳоси 1 йилга — 15 сўм 60 тийин.

«Тошкент ҳақиқати» ҳодимларининг беқободлик муштарийлар билан учрашувлари

БЕКОБОД шаҳридаги энг намунали ва йирин маҳаллалардан бири бўлган Муқимий номи маҳалла жамоаси билан «Тошкент ҳақиқати» рўномасининг вакиллари учрашуви кеч соат 7 га режалаштирилган. Лекин соат олти бўлмасдан оқ бу ерга бири-кетин муштарийлар кела бошлади. Кўп ўтмай юзга яқин одам тўпланди. Бир пиёла чой устида суҳбат қилинди.

Учрашув бошланганига бироз фурсат борлигиндан фойдаланиб, маҳалла комитетининг раиси Обиджон Ҳожи-матов билан суҳбатлашди. 1943—1975 йилларда металлургия заводида меҳнат қилиб (бу маҳаллада акарият шу завод ишчилари истисно-мат қилинади) пенсияга чиққан Обиджон ака Ҳожи-матов билан бўлган суҳбатимиз бизда яхши таассурот қолдирди. Салкам беш минг аҳоли истиқомат қиладиган бу маҳалла жамоасининг ибратли ишлари ҳақиқатан ҳам мақтовга лойиқ экан.

Эрта баҳорда шаҳар маҳаллалари кўригини ўтказганлик, дея суҳбатга қўшилди шаҳар партия қўмитасининг инструктори Назарқул Хотамқулов. — 13 маҳалла вакиллари иштирок этган кўриқда миллий урф-одатларини тарғиб қилиш, меҳмон қутниш, дастурхон тузаш, ҳунармандчилик, ҳаваскорларнинг чиқиши, оилада бола тарбияси бўйича соинида Муқимий номи маҳалла вакиллари гомил келиб, рангли телевизор билан тақдирланган эдилар.

Дид билан қурилан ма-

ҳалла клуби, ёзги шийпон, ҳовуз, унинг ёнида гулзор, шинамгина депутатлик хонаси, хашар йўли билан бунёд бўлган стадион маҳалла идорасига туташиб кетган бўлиб, салкам 1 гектар ерин ишғол этади, ёшлар бу ерда чини-қилишади. Келажакда қарилар уйи, миллий ҳаммом кудари режалаштирилган. Бу ишлар учун маҳалла жамоаси ихтиёрий равишда 10

сиз, озиқ-овқат, кийим-кечак қамайиб бораёпти. Нега шундай? Биз газетхонлар ана шу жумбоқни ечадиган хабарлар тез-тез рўномаамиз саҳифаларида бериб берилса деган фикрни билдирмоқчи эдик.

— Мен эса, — деди учрашувда сўз олган Аноржон Юсупова, — одамлар ўртасида йўқолиб бораётган меҳр-оқибат ҳақида, одамийлик, минг афсуслар бўлинки, то-

мулоқоти ошқора ва жонли бўлди. Меҳнат ветерани, пайвандчи Асқарали Йўлдошев жумҳуриятда, хусусан, ўзи меҳнат қилаётган заводда иш юритишни давлат тилига ўтказиш жуда сустнашлик билан амалга ошаётганини

— Мен фақат «Тошкент ҳақиқати» рўномасига, умр йўлдошим Олияхон эса «Саодат» ойномасига ёзилдим, —

деди пайвандчи Баҳром Тур-сунов.

— Нега энди айнан «Тошкент ҳақиқати»га ёзилдингиз? Сабабини тўшунтириб бера олайсизми?

— Биласизми, мен учун бу дунёда инсон, унинг тақдирини кўра муҳим ва қимматлироқ нарсас бўлмас экан. «Тошкент ҳақиқати» рўномаси эса кейинги пайтларда бу мавзуда хилма-хил мақолалар бериб бораёпти. Айниқса, социал масалалар руқни остида берилаётган мақолалар манзур бўлмоқда. Шанба сонларини қизиқиб ўқийман. Лекин бошқа кунги сонларидан унчалик кўнглим тўлмайди. Ҳеч бўлмаса, ҳар кунги бирорта оммабоп ўқинишли мақола берилса яхши бўларди.

— Биз кишиларнинг бир қисмини, хусусан ёшларни, кам маошли, кўп бо-

лали оналарни келаси йил рўнома ва ойномаларига бепул обуна қилдик. Шу мақсадда комбинатнинг маданият маиший ишларга сарфлаш учун мўлжалланган маблағи ҳисобидан 3624 сўм ажратилди. Маазур пулининг 1150 сўмидан олтига «Тошкент ҳақиқати» рўномаси учун 777 киши бепул обуна қилинди.

— деди пемент комбинати партия ташкилот котиби Баҳром Ибобоев. — Бундан ташқари комбинатда тушунтириш ишлари олиб борилиши туфайли одамларимиз вақтли матбуотга яқна тартибда ҳам фаол ёзилмоқда.

Сўнгга клубда рўнома вакиллари билан ишчилар ўртасида қизиқарли савол-жавоблар бўлди. Комбинат директори Александр Фармонов бундай учрашувларни мунтазам ўтказиб туриш, кишиларнинг бугунги ҳаёти, максасди, нияти, ташвиши ҳақида тез-тез рўнома саҳифаларида мақолалар ўқиб туриш ниятлари борлигини билдирди.

Рўнома вакиллари шу кунги шаҳар «Союзпечать» идорасида, савдо бошқармаси, ички ишлар бўлимида ҳам бўлишди, келаси йил учун рўномага обуна бўлиш ишлари қандай бораётганини билан танишдилар.

Кеча соат 17.30 да Беқобод-га сиз қондик. Шаҳар «Союзпечать» идорасининг бошлиғи Светлана Андреевна Лим сўнги маълумотини хабар қилди. «Тошкент ҳақиқати»нинг муштарийлари 655 киши бўлибди.

(Ўз МУХБИРЛАРИМИЗ).



Суратларда: [юқориде] шаҳар «Союзпечать» идорасида бир кунги обунага яқун чиқарилмоқда; [пастдаги суратларда] Муштарийлар билан бўлган мулоқотлардан лавҳалар.

А. ЗУФАРОВ суратлари.

• ҲОСИЛ—90 •

• ҲОСИЛ—90 •

И К Л И М М Е З О Н И

БУГУНГИ кунда шундай гаплар ҳам бўлмоқдаки, «бизлар нега фақат пахтага эришиб олганимиз, пахтанинг ўрнига бошқа резавор экинларни эксак ҳам, даромадимиз ёмон бўлмас эди».— дейишмоқда. Маълум миқдорда уларнинг гапларида ҳам жон бор. Аммо, масалани чуқурроқ ўйлайдиган бўлсак, нотири хулосага йўл қўётганлигини фахмлаймиз.

Пахта экиб даромад олиш масаласи, ўзбек дёғрига инқилобдан кейин кириб келгани йўқ.

Биринчи деҳқонларнинг шахсий пахтазорлари бўлиб, турли-туман заҳарли сепилмалардан ҳам олий навлар пахта еттиштириб, катта даромад олганлар. Инқилобдан сўнгги йилларда эса янча хўжаликлар тугатилиб, ёппасига меҳнат қилиш бошланди, Фойда давлат хазинасига тушарди. Бечора деҳқоннинг эса супраси унга ёлчимай, сизгир тўйиб ўтмасдан, мажбуран соғилган сутининг сифати ҳам паст бўлиб, шифобахшилик хусусиятини йўқотди бошланди. Пахта ҳақида озгина мушоҳада юритиб, аунко муштарийлар ихтиёрига ўз мулоҳазаларини ҳавола этишдан олдин, оддий деҳқон бўлиб, шахсий пахтазори бўлган, марҳум падарни бузуқворим тарихидан кичик бир лаҳзани эслаб ўтишликки жон деб тойдим.

1910 йиллар, Тошкент вилоятининг би бағрига жойлашган Хўжабўғор қишлоғига оқшом кўниб, вақт алламаҳал бўлиб қолган.

Мевадан дархатлардан ҳосил бўлган улкан дархатзорнинг чакалак бағрини, тўлини ой кумушдек товлантириб, дархатзор атрофиди сайхонликка экинган пахтазорини судек оқартириб турибди. Ойдин тунда пахтазор висолга термулиб, узок ҳаёллар суришни ёқтирадиган Мухаммадсиддиқ чакалларга ёқала келар экан, ой нурида кўлакатни де салобатли, танаси сирли думшатирин бўлиб турган улкан дархат остига етганда таққа тўхтатди. Вужуд музлаб кетди-ю, ўзини қўлга олиб, туйқусдан бўладиган ҳамлага тайёр турди.

Дархат танасига қилишиб турган кимсаннинг кўрғосиндан қўйилган куйма тўппончаси ой нурида, қалтираётган қўли аралаш ялтираб қўринар эди. Қини йўқ пичоққа матодан ўров берилганидек, у кимса оёқ-қўлларига оқ матодан ўров бериб, тун қўйнида оқ қоплон янглиғ, зудликда ҳаракат қилиш имконига эга эди.

Мухаммадсиддиқ қувватли товуш билан томоқ қили

риб, газабли оҳангда «Кимсиз?»— деди. Рақибини товушдан таниган кимса, тўппончасини ўзига тортиб, қалтироқ овозда жавоб беради.

— Маҳмасиддиқ сенмисан, мен тоғайинг бўламан, жи... жи... янжон.

Мухаммадсиддиқ яқинроқ бориб қараса ҳақиқатан ҳам, қишлоқ аҳлига «тоға» лақаби билан танилган Маҳкамхўжа олгининг кўзлари мушукникидек олазарак бўлиб, бақрайиб турар эди.

Дархатдан ўн қўлоч нарида эса, камиди 200 пудча келадиган, тойланган пахта ўрами ой нурида чоғроқ хирмондек бўлиб турибди.

Қўлларига қўлчанган кийиб, 200 пудча келадиган юнни энгиллатиб кетаётганда олдинда мулк оғаси чинқиб қўлиб, ноқулайликдан, дархатга қилишиб турган лаҳзаси экан олгининг.

• Пахта—ота мерос

— Чорикорлар сиз учун тойлаб қўйган экан-да, тоға!

Сизга мол — дунё керак бўлса, бермас эдимми? Қўрғонингизда лак-лак қўйларингиз, оту сизларнингиз, газ-газ ерларингиз бўла туриб, қишлоқлоқчинингизнинг пахтасини ўзлаштиргани... уят-е, суф сизга.

— Э... жиянжон, ҳазиллашиб ортоқлаб қўйибман, бир ҳазил қилай дедим-да, нўй, диққат бўлма жиянжон, бирон кимсга ҳам гуллаб юрмагин. Биласан тоғайинг, тунда қир-адирни бир айланиб келмаса солиштириб бўшашиб қолди. Тойланган пахтани ўз жойига элиб қўйган, Маҳкамхўжа дилиллаб йўрғаланганча, тун қўйнида йилтироқ арвоҳдек қўздан гойиб бўлди.

Мухаммадсиддиқ чуқур ух тортиб, кумуш рангда товланган пахтазорга қарар экан, Америка деган оқ шаҳардан, амиркон пахтанинг чигитини олиб келган раҳматли отасини эслаб, қалби гурурга тўлса, Маҳкамхўжадек олгир одамлардан нафратланиб, оёғига санчилиб турган янтоқ ўсимлигини «тебиб юборди».

Бу, олис ўтмишимиздан кичик бир лаҳза, холос.

...Шундан кўриниб турибдики, пахта ўсимлиги бизларнинг қадим-қадимлардан даромад манбаимиз ҳисобланган. Биринчидан, пахта Ўзбекистон шароитида яхши етиладиган ўсимлик экан, не-

га, биз ундан даромад олиш учун эҳмаслигимиз керак. Иккинчидан, пахтадан ташқари ҳар қандай резавор экинлар, полиэчилигу, богдорчиликлар, буларнинг барчаси, пишиб етилганидан сўнг, зудликда харидорга етказилмаса, тезда нобуд бўлиш хусусиятига эга. Албатта, бугун, арпа, жўхори, сули ва шолди донларидан ташқари.

Пахта ўсимлиги эса, териб олинганидан сўнг, барча қондаларига амал этган ҳолда сақланса, неча йил бўлса ҳам бузилмасдан тураверади.

«Олтин зангламас» — деган сўзга нисбатан берилиб, «оқ олтин» деб атама берилганлиги шундан бўлса керак. Учинчидан, пахтадан неча юз хил хом ашё олиниши, баччиюга маълум. Албатта, инсонга ризқ-рўз бўладиган озиқ-овқат экинлари-ю, богдорчиликни ривожлантирган ҳолда, пахта хом ашёси мамлакатнинг деҳқончилиги тармоғидаги асосий даромаднинг бош томири бўлиб қолаверади.

Пахтадан баъзи бир кишиларнинг ихлоси қайтаётганлиги пахтанинг меҳнати оғирлигидан эмас. Аксинча, қилинган оғир меҳнатларнинг эвазига ярашқин ҳақ ола билмай, ҳақиқий ҳордиқ олабиди, мағанидир. Пахтадан келадиган даромад, анҳор четидида ўстан олма дархатнинг меваси пишганида, атасига буюрмадан сувга оқиб кетганидек, оқиб кетаватган. Наннатда «қурмоқ бор-у, емоқ йўқ» — деганларидек, бизларда ҳам шундай ҳолат юзага келиб, пахта деса, қўнғил озадиган ҳолатга етганимиз, Шукурлар бўлсинки, қайта қўриш, ошқоралиқлар замони ташриф буюриб, энди пахтакорнинг ҳам қосаси оқаридиган бўлиб турибди.

Пахтага бўлган ихлосимизни қайтаридиган яна бир сабаб шулки, унга сепилладиган турли-туман заҳарли сепилмаларди: шуларнинг барчасидан қўтилган ҳолда, пахта етиштира билсак, хирмонларимиз даромади темир йўл «анҳорлари»дан арзон гаровга оқиб, олгир тоғайларимиз бармоқларига темир чангак суқиб, ташмалаб кетмаса, Ўзбекистон ҳақиқий гуркирган буюк давлатга айланиб, қаддини ростлаб олишига заррача гумонимиз йўқ.

«Ўзбеклар иши» — деб бўйнимизга тавқи лаянат осиб, ҳар қандай ачимсиз гапларни тутатиб, кўп миллионли дўсту-биродарларимиз ўртасига инфоқ солувчи, ноинсоний голлар борда ёқилган ҳазоннинг тутунидек тарқаб кетишига имонимиз қомил.

Чаманга нур йўлини тўсавошлайди.

Қамар этак бирла нопинхон эркан,

Ҳақ ҳам, борлиқдирким, беркитиб бўлмас,

Даҳолуқ истаб ким, сансач гар тикан,

Фазилат айёми нурафшон ўлмас.

Турсун МУҲАММАД.

Низо-ю, фироқлар, тош бўлса агар,

Самийий меҳр-эт, ёрилиб кеттай.

Элга ишқ йўлдош-у, бош бўлса агар,

Замонлар зийфа қорилиб кеттай...

Тонг отиб, борлиққа нур сочган қуёш,

Жунжиккан гнэхлар ўсавошлайди.

Чарх-гардун ичра ким, бўлса гар

бебеш,

• Вилоят Кенгаши ижроия қўмитасида •

ҚИШЛОҚ хўжалиги соҳаларининг раҳбарлари, мутахассислари, маълумки, «ноқулай об-ҳаво шароити тугайли вужда келган қийинчиликларни енгиб» деган иборани тақдорлашн ҳуш қиришади. Аммо об-ҳаво шароити сабаб эмас, шунчаки баҳона эканлигини ҳамма билди.

Мана, бу йил ўша иборани ишлатишга ўрин қолмади. Об-ҳаво қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳалари учун жуда қулай келди. Шу сабаб бу мавсумда мева ва сабзавот экинлари серҳосил бўлди. Бог ва далавлардаги ноз-неъматлар аҳолининг ҳар кунги тиричилиги учун ҳам, қишга гамлаб қўйиш учун ҳам етарли. Ҳамма гап ҳосилани пешма-пеш янгиштириб, саранжомлаб олишда қолган ҳолос.

Лекин, афсуски, ношуднинг иши унмас, деганларидек, шунча ҳосил етиштирилган бўлишига қарамай, бу тўқилишдан аҳолининг кундалик дастурхонидан, на қишда қамланган маҳсулотларнинг чўғида сезилмапти. Аксинча, таъминот аввалги йиллардагига нисбатан кам-майтириб юборилди.

Чўнчики, сабзавот тайёрлаш 1989 йилдагига нисбатан Кали-

нини ноҳиясида 11 минг 301 тонна, Оржоникиде ноҳиясида 13 минг 130 тонна, Тошкент ноҳиясида 13 минг 500 тонна, Бўстонлиқ ноҳиясида салкам 540 тонна кам. Картошка тай-

маҳсулотларини тайёрлаш режасини баъза олмасликлари ҳозирданок маълум бўлиб қолди. Бу мулобага эмас, рақамлар шундан далолат бериб турибди. Ҳозир далавларда кечки

28,6 фоз, Коммунист ноҳияси 36,3 фоз, Оржоникиде ноҳияси 37,8 фоз картошка тайёрлаган бўлса, бунинг нисмис тахлил қилинганда, қандай хўлоса чиқарилади?

Раҳбар ва мутахассислар яхши ишлашмаяпти

ёрлашининг аҳоли бундан ҳам ёмон. Масалан, Оржоникиде ноҳияси 4448 тонна, Коммунист ноҳияси 2696 тонна, Охангарон ноҳияси 2808 тонна, Янгийўл ноҳияси 994 тонна кам-майтириб юборди. Шунинг таъсирида вилоят миксиде ҳам сабзавот маҳсулотларини ҳарид қилиш ва тайёрлашда ўтган йилдагига нисбатан 26,3 фоз ортда қолмоқда. Ажаб-айнанлиш шундаки, вилоятдаги туртагина ноҳияни ҳисобга олганда, бошқа ҳамма ноҳияларнинг бу йилги сабзавот

карам билан сабзидан бошқа деярли ҳеч қандай экин қолмаганига қарамай, Охангарон, Ғалаба, Бекбоёб, Паркент ноҳияларида йиллик режанинг эндиғина 50 фоздан атрофида сабзавот маҳсулотлари тайёрланди.

Вилоят ижроия қўмитаси баъдига мажлисида тайёрланган маълумотномадаги рақамларга қараб, картошкаторларнинг бу йилги ишларини тушуниш учун. Ахир Паркент ноҳияси бор-йўғи 7 фоз, Охангарон ноҳияси 10,6 фоз, Бўстонлиқ

Аҳвол шундай экан сабзавоткорларнинг вилоят сановат марказлари уйда турсин, Тошкент шаҳри аҳолиси эҳтиёжларини ҳам чала-ярим қондирини табиийдир. Тошкентликларга режалаштирилган 225 тонна ўрнига 97 тонна сабзавот маҳсулотлари, 51 тонна ўрнига 23 тонна картошка, 35 тонна ўрнига 11 тонна мева, 13 тонна ўрнига салкам 3 тонна узум етказиб беришди, ҳолос.

Дала ва боғларда ҳосил етарли бўла туриб режалар-

нинг ўлда-жўлда қолишининг асосий сабабларидан бири — жойларда раҳбар ва мутахассисларнинг яхши ишламай қўйганилиги эканлиги тажриқимиз билан аниқланди. Ҳақиқатан ҳам ҳозир раҳбар ва мутахассислардан бу йил картошка ҳосилининг кескин қаммайиб кетганилиги сабабини суриштирсангиз гапни қопордоқ қўйганининг ҳужуридан бошланади. Тўғри, бу нарсани бутунлай инкор этиш ўринли бўлмайди, чиндан ҳам бу ярамас хашорат кейинги пайларда жуда тез қўлайиб кетди. Аммо картошкани қандайдир қўйишга талантиб, ноҳор қўл қовуштириб ўтириш ҳам асл деҳқоннинг иши эмас. Бу йилги шароитда картошкадан мўл ҳосил олганлар кўп. Бундайлар баҳона қиришди эмас, ҳар қандай вазиятда ҳам иложини топиб, мақсадларига эришишга оdatланишган.

Қўйишга охирларда раҳбар ва мутахассислар ишини тўғри уюштиришмаяпти, одамларни сабзавот ва мева йилги-теримига сафарбар этишмаяпти, уларни рағбатлантиришининг турли самарали усулларини қўлланмишмаяпти. Халқ депутат-

лари вилоят Советининг раисини, вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби С. М. Мамарасулов ижрокўми мажлисида шу масала ҳусусида куюниб гапирди. Энг ёмон одат шунки, эрта қўйилмадан тер тўкиб ишлаб, дала ва боғларда мўл ҳосил етиштирилганда, уни янгиштириб олиб сотиш ва қишга гамлаб қўйишга келганда ношудлик қилинади. Бу йил ҳам ҳосилининг анчагина қисми далавларнинг ўзидан нобуд бўлиб кетди. Сабаби суриштирилса одам етишмаслиги баҳона қилинади.

Бундан бўён тайёр баҳонага ёпишавермай, имконият қидиришди қатъий одат қилмоқ керак. Масалан, бўш вақтларда далавларга қишқир ёрдамлашши, имкон бори кишиларни сафарбар этиб, бунинг эвазига уларга қиш учун ўзлари истаган маҳсулотлардан гамлаб олишлари учун қўлайлик яратиб берилса бўлмайди! Бу ҳам қишга маҳсулот тайёрлашининг бир тури-ку. Чўнқи далага ёрдамга чиққанлар қишда дўкондан харид қилиш ўрнига ўзлари гамлаб қўйган маҳсулотларини рўзгорга ишлатаверадилар.

Халқ депутатлари вилоят Советининг раисини яна бир фойдали тадбир ҳусусида гапирди. Ҳамма хўжаликлар ўзларининг қишга сабзавот ва мева сақламадиган омборхоналарига эга бўлишлари керак, деб қўп тапишляпти-ю, бироқ ҳеч бир хўжалик раҳбари дадиллик билан амалий ишга киришмапти. Ахир хўжаликлар ҳеч бўлмаганда минг тонна маҳсулот сақланадиган шундай омборхона қуриб, қишда ҳам мева-сабзавот сотишни йўлга қўйса аҳолига ҳам, хўжаликнинг иқтисодиёти учун ҳам фойдали бўларди.

Жойлардаги раҳбар ва мутахассислар яхши ишламай қўйишди деган масалада мажлисда яна бир тайини мисол келтирилди. Охангарон ноҳиясидаги Бўдённий номли шўро хўжалиги бу йил учта ижарачи жамоага бўлиб берилган. Бундан ташвишланиш эмас, аксинча ҳайрихолик билдириб, қўлаб-қувватлаш керак. Чўнқи бундан бўён далачиллик ишлари, яхши қишлоқ хўжалигини иқтисодиёти шу йўсида қарор топади.

Аммо бутун бошли бир давлат хўжалигини бўлиб олган ижарачилар ишончини оқлашма-

ПИСКЕНТ ПАХТАЗОРЛАРИДА

● ЗИЕВУДДИН ИСЛОМОВ Калинин номли жамоа хўжалигининг илгор механизаторларидир. Унинг шу кунгача терган пахтаси 110 тоннадан ошиб кетди. Суратларда: механизатор Зиевуддин Исломов; навбатдаги бунйер тиркачларга ақдриляпти. Суратчи А. ИКРОМОВ.



• Ноҳия рўномаси муҳаррири минбари

ИККИ нурунийнинг ўзаро суҳбати беихтиёр диққатимни тортди:

— Бугун ҳам қўлоталиклар биринчи бўлишадими?

— Ҳа-да, — жавоб қилди шергин. — Уч-тўрт кундан бери колхозимиз 8 фоздан ошириб пахта берипти.

Суҳбатта ёшроқ йигит қўшилди:

— Сал янглишдингиз ота, кеча 9 фоздан ҳам ошди!

— Шундайми, балли азаматлар, Қара Шерали, биз ҳам далага чиқмасак бўлмайди. Қара, кўча-кўйда зор ҳам кўринмайди.

Ҳақ гап, Калинин номли жамоа хўжалиги маркази сув сепгандек жим-жит, ҳамма далада. Лекин аввалларидек қизил алвонли «пост»лар, ўтган-кетганини тегайтидиган миллия ҳодимлари ҳам кўринмайди.

Далада эса ўзгача манзара. Авваллари қайси карта бошига борманг — 5—10 автосув турарди. Ҳайдовчилари ўзларини сояга олиб ётса, дастоҳини ёки ўқув хонасини ташлаб келган ишчи ёки талаба бир-икки этак пахта билан кўнни кеч қиларди.

...Йўки чети қалин тутзор билан туташ катта пайкалда 3 та «зангори кема» бетиини ишляпти. Четда тиркачи трактор. Бригада етакчиси Абдурахмон Турунов билан хўжалик бошқаруви раисини М. Боймоқов шу ерда экан.

— Келганингиз яхши бўлди, — деди мамнун ҳолда раис. — Бугун бу бригада марлага етди. Газетда азаматларнинг номини ёзинг. Ана, қарта бошига яқинлашган Хошим. Номзобов. Кеча нафиз 12 тонна-ю 800 килограмм терди-я!

— Ўроз ва Флёв ҳам бўш келмаяпти, — суҳбатга қўшилди бригада етакчиси. — Улар ҳам 11—12 тоннадан кам теришмаяпти.

— Ҳаммаси ҳам ҳалол ишляпти, — гапиди давом этди раис. — Кечаги 5 кунлида 18 нафар механизаторнинг 14 нафари 50 тоннадан ошириб пахта терибди. Кунига 10 тоннадан деярлиг.

— Жами терганлари-чи? — сўрадик биз.

Раис бир четдан илгор ме-

ханизаторларнинг номларини тилга олди: Зиевуддин Исломов энг кўп терибди. Бу азамат 4 октябргача хирмонга 110 тонна дур тўккан. Ўроз Пулатов, Ислам Ҳайиткуловлар ҳам 100 тонналик доводдан аллақачон ошшибди.

Хўжалик пахта топириш режасини бажариш арафасида. Раисдан бу йилги иқтисодий натижалар тўғрисида сўрадик.

— Даладаги шароитни, экиннинг ҳолатини деҳқондан яхши биладиган йўқ, — деди М. Боймоқов. — Аввалларидек «у қил — бу қил» деб бўйруқчиликдан воз кечилган айни мўддао бўлди. 80-йилларда колхозда бош иқтисодчи эдим. Бир кунда 1200 гача ҳашарчи теримда қатнашар, мавсумда 180—190 минг сўми пулни ўмарига кетарди. Ҳозир-чи? Шу кунлар далада биронта четдан одам йўқ. Лекин кўрсаткич-миз яхши. 3 йилдан бери хў-

— У ҳам чакки эмас. Сиз кечаги билан 4949 килограмм тердингиз. Аввалги беш кунлида оилангиз билан 410 сўм ишлаган бўлсангиз, бунисида 547 сўм иш ҳақи оласиз.

— Умида-чи?

— Кеча бир ўзи 220 килограмм терди. Умумий ҳисоби 4 тоннадан ошди.

«Ўзбекистон ССР 50 йилги» жамоа хўжалигида меҳнатдан манфаатдорлик ортағини тугайли теримчилар ўртасида меҳнат баҳси авж олмоқда. Хўжаликда ҳар килограмм пахтага 25 тийиндан ҳақ тўланмоқда. Бундан ташқари 5 кунлик иш якунига кўра энг кўп терган теримчилар алоҳида мукофотланади.

Ишнинг бундай ташкил қилиниши кўнунлар омига бўлмади. Масалан, кунига хўжалик бўйича 325 киши теримда қатнашиб, ўртача 55—56 килограммдан пахта термоқда. Лекин қўл те-

жамоа хўжалиги далаларини кезиб чиқибди. Лекин оппоқ пахтазорда пахта теришга жой топилмади. Қайси бригадда боришмасин, пахтакорлар ҳашарчиларни далага киритишмади. Бу ҳам ҳолва экан, Муротали қишлоғида яшовчи бир гуруҳ уй бекалари хўжаликдаги эркин Жапанов бошлиқ бригада аъзоларига ёрдамга боришди. Лекин бир этак ҳам пахта теришга руҳсат берилмади.

Хўш, даладаги тортишувларнинг сабаби нимада? — Айрим оилалар бир ойда бир йилликка тенг даромад ишлаб топишляпти. — деди бригада етакчиси Ҳўман Деҳқонов. — Масалан, Зухра Умаралиева, Хуррият Деҳқонов, Инобат Суқонова каби теримчилар ҳар беш кунда 180—200 сўмдан ҳақ олишляпти. Пахтага ҳақ тўлашдаги янглик теримчиларнинг кайфиятларини кўтариб юборди.

ҳолда ташкил қилишди. Авваллари кўнор раком кўрсаткичида сал ортда қолганлар бўлса аямай «дўппослашарди».

— 86-йилдаги қийинчилик ёдидан чиқмайди, — деб эслади ноҳия ижрокўми раисини Ж. Отакулов. — Ярим тунгача йигилиш бўлди. Тунги 4 ларда уйга қайтсам, 1 соат ўтмай орамдан машина юборишди. Вилоятдан берилган топириққа сал етмагани учун соат 5 да «Писент» совхозиди механизаторларини уйма-уй ўйотиб, теримга туширдик...

Ҳозирги кунда бундай воқеалар афсонага ўхшаб ёлланади. Райком бюро йиғилишларида асосий пахта эгалари қўлиб, ташкилот раҳбарлари, олашқ шаҳарлар вакиллари даки ерди. Энди-чи?

Ҳозир ноҳияда биронта ҳам четдан ёрдамчи йўқ. 15 кунда мусобақанинг бориши якунланди. Партия — совет ташкилотлари асосий эътибори дала меҳнатчиларига шарт-шароит яратишга қаратилмоқда.

Савдода айрим молларнинг танқислиги учун биринчи навбатда дала аҳли талаб-эҳтиёжлари қондирилмоқда. Масалан, мавсум бошлангандан бери фақат далада ишлайтганларга 16 тонна қанди, 251 тонна ун, етарлича бошқа маҳсулотлар тарқатилди. Терим илгорларини рағбатлантириш учун энгил автомашиналар, палос, тилла сингари камб моллар ажратилган.

...Эрталаб соат саккиз. Оқтепа қабул пункти дарвозаси олдида бирин-кетин «оқ олтин» лиммо-лим прицеплар тиркалган тракторлар келмоқда.

Бунинг ажабланидиган жойи йўқ. Пахта қабулдан ҳам мутлақо янглик. Қоронғи тушиши билан — кеч соат 22 дан сўнг пунктларда пахта ҳосили қабул қилиш тўхтатилади. Шунинг учун бу ерда юзлари эзилган узумдек буришган, уйқусиздан гандирақлаб юрган кишиларни кўрмайсиз.

Қўлай шароит, мустақил тугайли ишда унум бўлмоқда. «Оқ олтин» қарвоналарининг кети кўринмайди...

Тўхташ ҚОСИМОВ, СССР Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Қизил ярим ой жамиятининг хайрли ишлари



Яқинда жумҳуриятимиз пойтахтига бир гуруҳ фахрийлар дам олгани келишди. Уларни бир кунлик ҳордиқ чиқаришга Қизил Ярм ой жамиятининг Тошкент бўлими таклиф қилган эди.

Қўпчилиги ёлғиз яшовчи бу фахрийлар Тошкентнинг диққатга сазовор жойлари билан танишди, маданият ва истироҳат боғларида бўлдилар. Шундан сўнг Самарқанд чойхонасида бир пилла чой устида батафсил суҳбатлар бўлди. Тошкент ноҳиясидан келган Туракул Бозоров

ана шу меҳрибонлик тadbирини ташкил этган Қизил Ярм ой фаолларига самимий миннатдорчилигини изҳор этди.

Ушбу жамият нуруний онахон ва отахонлар тўғрисида ғамхўрлик қилишни ўзининг бевосита вазифаси деб

ҳисоблайди. Қизил Ярм ойчилар Улуғ Ватан уруши ноғиронлари ва кексалар хонадонларига дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари олиб келадилар. Қўш-қировли кунлар олдида ёлғиз яшовчи кексалар жамият ёрдамида ёқилги билан таъминланади.



СИЗ ЁЛГИЗ ЭМАСИЗ

лар. Зарур ҳолларда эса уларга моддий ёрдам ҳам кўрсатилади.

Қўлгина фахрийлар Қизил Ярм ой жамиятининг меҳрибонлик қўлидан — Коммунист ноҳиясидан Гулнора Раҳмонова, Оржоникидзе ноҳиясидан Барно Умарова номларини хурмат билан тилга олдилар. Бу фидойилар ғамхўрликлари туфайли кексалар ўзларини ёлғиз сезмайдилар.

А. НОСИРОВА.

Суратларда: Фахрийлар пойтахтининг диққатга сазовор жойларида.

Сураткаш Р. АЛБЕКОВ.

ТУРИЗМ

ДОВОНДА—МУАЛЛИМЛАР МУСОБАҚАСИ

Она юрти ўрганиш, унинг табиатини муҳофаза қилиш, тарих ва маданият ёдгорликларини сақлашдек муҳим вазифаларни ёш авлодга синдириш ҳозирги даврда кечиктириб бўлмайдиган ишлардандир. Шу мақсадда вилоятимизнинг ўндан ортиқ шаҳар ва ноҳияларининг умумий таълим мактаблари муаллимлари ўртасида ўзига хос туристик мусобақалар ўтказилди.

Тошкент вилоятининг ёш сайёҳлари станцияси, халқ таълими бошқармаси ҳамда комсомол кўмитаси томонидан уюштирилган бу тадбирда мактаб туризми, жўроғи, тарих, биология, ботаника фанларидан амалий малака оширишдан ташқари, ўқитувчиларнинг жисмоний баркамоллигини шакллантириш, соғлиқларини мустаҳкамлаш ҳам кўзда тутилган.

Мусобақалар Қозғистоннинг Чимкент вилоятида жойлашган «Южная» турбазасидан бошланди. Янгйобод, Чирчиқ, Ангрэн, Олмалик шаҳарлари, Янгйўл, Оржоникидзе, Коммунист, Пискевент, Охангарон ҳамда Бўстонлик ноҳияларининг командалари «ёшлар» олдига 2300 метр баландликдаги Қирққиз довоининг ошиб ўтиш шерти қўйилган. Йўлда баландликларга кўтарилиш, пастлаш, айланиб ўтиб, шунингдек, жўроғий тадбирот қилиш, суратга олиш каби топшириқларни бажариш керак эди. Шунга қарамай, барча қўшма командалар муаллимлар томонидан муваффақиятли енгиб ўтиди.

Қатнашчилар мусобақани Бўстонлик ноҳиясининг Уғор дёбеси соҳилга жойлашган Низойий номи ТошДПИнинг ўқув базасида давом эттирдилар.

Икки команданинг бир хил очко йиқилиши ёлғизлик учун кўраш кескин бўлганлигидан далолат бериб турибди. А. В. Никитов раҳбарлигидаги Янгйобод ва Л. Зинченко бошличилигидаги Чирчиқ шаҳарларининг командалари 1—2 ўринларни ўзаро теқсимлаб олдилар. Учунчи ўрин эса Ангрэн шаҳри (раҳбари Д. Сафилулин) ўқитувчилар командасига насиб қилди.

Ғолибларга қимматбаҳо совринлар ва Тошкент вилоят комсомол кўмитасининг фахрий ёрликлари топширилди.

Р. ШОЖАЛИЛОВ.

БИЛИМ ЮРТИ 50 ЁШДА

Яқинда Тошкентдаги 40-хуна-техника билим юртининг 50 йиллиги нишонланди. Ўқувчилар билим юртининг 50 йиллигига атаб альбомлар тайёрландилар. Бадий ҳаваскорлар интермедиялар, ашула ва рақслари билан қатнашдилар.

О. РАЗЗОКОВ.

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ГАНЧКОРЛИКНИ БИЛАСИЗМИ?

Халқимизнинг асрлар оша ардоқлаб келатган амалий санъати ўзининг хилма-хил турлари ва тармоқларига эга. Наққошлик, ёғоч ўймакорлиги, қўлчилик, зардуали, бадий-нашачилик, қандакорлик, заргарлик, тазмолик, гул бошиш, гиламдўзлик, Эҳҳе, бу санъатнинг яна узок давом эттириш мумкин. Халқ хунаридан усталари кундалик манший зарур жиҳозлардан бўлган бешик, беланча, сандиқ ясаш, уларни турфа рангларда жилланган шакллар билан безатиш, ҳатто болалар хўштаги, тандир, тароқ ясашни ҳам санъат даражасига кўтарганлар десак муболага бўлмас керак. Тўғри, уларнинг айримлари турли ўсиқларга, чалнаш-лиқларга, таъйиқларга учраб ривожланишдан орда қолган пайтлар ҳам бўлди. Хунаридан ишланган нисбатан бўлган қизиқш маълум даражада сусайди. Аммо санъат фидойилари кенг миқёсда бўлмас-да, ўз ижодларини шароитсизлик ва эътиборсизлик исканжасида ҳам сабот, матонат билан давом эттириб келдилар, шотирлар етиштирдилар.

Ганчкорлик санъати ҳам ўтмиши, ҳозирги кун, келажга ва фидойиларига эга. Пойтахтимиз ва бошқа қўлаб шаҳарлардаги музей ҳамда кўргазма залларини айланишнинг албатта ганч ўймакорлиги намуналарига дуч келасиз. Қизиқиб томоша қиласиз, унинг ўзига, ёқимли жозибаси фикр-ўйингизни қамраб олади, шунингдек ром этади. Бештиёр шундай аjoyиб нафис хунари билан шуғулланувчилар истисдо-дига тасаннолар айтасиз.

Хўш, ганчкорлик нима? Унинг тақдир, ривожланиш тарихидан хабардормисиз? Бу ва бошқа шунга ўхшаш муҳим саволларга мухтасар жавоб олишни, қадимий ва навқирон санъат, унинг намоёндалари ҳақида атрофли маълумотга эга бўлишни хоҳловчилар «Ўқувчи» нашриётида chop этилган, педагогика фанлари номзоди Саидхон Булатов қаламига мансуб «Ганчкорлик» китобини мўтолаа қилишлари мумкин. У мактаблар, пионер ва ўқувчилар саройларида, уйларида ташкил этилган ганч ўймакорлиги тўғрисидаги катнашчилари, раҳбарлари, педагогика олийгоҳларининг бадий-графика бўлимлари талабалари, мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш комбинатлари ўқувчилари ва шу санъатга қизиқувчи кенг китобхоналар оmmasига мўлжалланган. Рисолада ганчкорлик санъатининг ривожланиши, бу касбни ёшларга ўратилиш усуллари баён этилган. Ўзбек халқ амалий санъати билан жилланган кўрам меъморчилик ёдгорликлари ва замонавий бинолар акс этган юздан зиёд рангдор ҳамда оқ-қора тасвирдаги фотосуратлар, чизмалар, нақш намуналари, таниқли хунаридан ишланган фотопортретлари билан безатилган. Китоб ўзбекча-русча матнда chop этилган бўлиб, ундан саволлар — турли миллат вакиллари ҳам фойдаланиш имконига эга.

Баҳром ТОЖИЕВ.

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ТИББИЁТ КҮРИГИ

СССР Фанлар академияси Илмий-техникавий фаолият марказининг Ўзбекистон филиали бевосита саноат корхоналари билан яқин алоқа боғлаган. Тошкентдаги «Малина» трикотаж бирлашмасида тиббиёт кўриги ўтказилди. Бирлашма шифохонаси мутахассисларининг марказ билан ўзаро тузилган шартномага кўра корхона цех ва участкаларида чеварлар соғлигини синчиклаб текшириб чиқишга киришилди. Шунингдек, гинекологик муолажалар билан боғлиқ соғломлаштириш ишлари олиб борилаётган.

Атрофлича кузатишлар асосида амалга оширилаётган ана шу муҳим тиббий тадбирлар учун 25 минг сўм пул ажратилди.

ТАЖРИБА

МАКТАБЛАРИ

Узлуксиз таълим тармоғида кечки (сменали) мактаблар ҳам асосий бўлини ташкил этади. Ўзбекистон ССР халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган мактаб тўғрисидаги Низомда катталар умумий таълими истиқболлари ҳам алоҳида аҳамият берилди.

Ўқш ва ўқитишнинг энг зарур масалалари ўз ифодасини топган бу тадбирни тайёрлашда СССР Педагогика фанлари академияси умумий таълим илмий-кузатиш институтининг ёрдами катта бўлди. Шу илмий муассасанинг етакчи ходимларидан Т. Шадрин ва Л. Лесохиналар жумҳуриятимизда бўлганларда Тошкентдаги 20, 27, 37- ва бошқа кечки мактаблар ортиртган бой тажрибалар билан ҳам яқиндан танишдилар.

Ана шу билим даргоҳлари умумий таълим институтининг таянч базаси мактаблари каторидан ўрин олди. Уларда кузатишлар олиб борилади.

С. ОДИЛОВА.

ЎРТА ЧИРЧИК. Чимёндаги «Ореховая» роцан дам олиш уйида оламиз билан ҳордиқ чикардик. Бу жой манзараси чикдан ҳам бизга ёқди, дам олиш уйида барча шароитлар яратилган, бунинг учун миннатдорчилик изҳор этмоқчимиз.

Л. РАЙМБЕРДИЕВА.
ОЛМАЛИК. Шаҳарда 1564 ўринли замонавий мактаб фой-

ХАТЛАРДАН САТРАЛАР

даланишга топширилди. Уни 354-механизацияланган кўма колонна қурувчилари бунёд этишди. Бу ишда С. Идатуллин, М. Эргашев, М. Ҳасанов ва бошқалар ибрат кўрсатиб мш-

ОХАНГАРОН. Бу ерда 1- ва 9-ўрта мактабларда беш кунлик ўқишга ўтилади. Шанба кун эса ўқувчилар турли тўғра-ракларда қатнашиб, маданый ҳордиқ чикарадилар.

А. МАЎҚАМОВ.

ФУТБОЛ ОЛИЙ ЛИГА НАФАСИ

■ Мавсум бошидан буй «Пахтакор» халқ кетма-кет икки ўйинини ютказмаган эди. Шу сабабли ҳам ставрополликлардан маълумиятга учраган тошкентликларнинг «Ростсельмаш» билан ўйинида муҳимслар ё галаба, ёки дурагн натижа куттишарди. Куттилгандек ҳам бўлди.

Ростов-Дондаги ўрашунинг биринчи бўлимида ҳар икки томон кетма-кет ҳужум уюштириб тўпни майдон марказида ушла-либ қоплашга қўл қўймади. 14-дақиқада ростовликлар ўйинчиси Попадапуло дарвозабонига оширган тўпни Шкаврн эгалаб олиб дарвоза бурчагига аниқ йўналтирди. Орадан уч дақиқа ўтган, мезбонлар ўйинчиси Воробьев ҳисобини тенглаштиришга муваффақ бўлди.

Иккинчи бўлимининг 7-дақиқасида Шкаврннинг қанотдан узатган тўпини Галиев «Ростсельмаш» дарвозасига киритди. Бу тўп «Пахтакор»га галаба келтириш билан бирга команданинг олий лигага чиқишига ишончини кучайтирди.

Игоринг бу мавсумдаги киритган тўплари сонин 32 тага өтди.

«Пахтакор» қолган уч ўйинини ўз майдонинда ўтказди.

Туринг қолган ўйинлари натижалари: «Спартак» — «Кубань» — 2:1, «Металлург» — «Геолог» — 2:0, «Динамо» [Ст] — «Кайрат» — 2:1, «Зенит» — «Тирас» — 0:0, «Нефтьчи» — «Таврия» — 2:1, «Нистру» — «Шинник» — 1:2, «Локомотив» [Нн] — «Куз-

Басс — 2:0, «Факел» — «Локомотив» [М] — 1:2, «Котайк» — «Динамо» [Ст] — 2:1.	
Мусобақалар жадаллигини юқори қисмидаги ахвол қўйидагича:	
Командалар	У Ю Д М Т О
Спартак	35 21 9 5 66—28 51
Металлург	35 18 13 4 54—26 49
Пахтакор	35 20 8 7 69—42 48
Динамо [Ст]	35 18 6 11 48—35 42
Шинник	35 17 8 10 48—37 42
Локомотив [М]	34 16 9 9 41—30 41

КИТБА ЧАҚАНДОЗИ

■ Симферополдаги СССР-Югославия терма командаларининг иккинчи финал учрашуви билан икки йил бурун бошланган ёшлар ўртасидаги китба биринчилиги ниҳосига өтди. Кўпчилики маълумки, дастлабки ўйинларда терма командалар сафида «Пахтакор» ярим ҳимоячиси А. Пятницкий ҳам кўп марта майдонга тушган ва бир мартаба тўп киритишга муваффақ бўлган. Ҳозирда «Пахтакор» олий лигага бериладиган йўлланмаларининг бирига асосий даъвогар эканлигини ҳисобга олиб, терма команд раҳбарлари финал учрашувларида Андрейга «тегишмади».

Дастлабки финал учрашуви Югославиянинг Сараево шаҳрида ўтказилиб, унда мамлакатимиз футболчилари 4:2 ҳисобида галаба қозонган эдилар. Шу сабабли Симферополдаги ўйин совет футболчиларига ортиқча ташвиш тўғдирмади ва улар 3:1 ҳисобида галаба қозонган ҳолда ёшлар ўртасида Европа чемпионини деган унвонини қўлга киритдилар.

сabat. Ёшлар учун кўрсатув. 21.30 Москва. «Время». 22.00 Хорманг, пахтакорлар! 23.00 Уллубек юлдузи. Бадийн фильм. 00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● УЗТВ II

19.00 Кўрсатувлар тартиби. 19.05 Бу оқшомда. 20.00 Пулс. Тошкент хабарлари. 20.10 Бу оқшомда кўрсатувининг давоми.

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

● МТ I

7.00 «120 минута». 9.05 Минотар хузурига ташриф. 5-серия. 10.15 «16 ёшгача ва ундан катталар. 11.00 Мулътфильмлар. 11.25 Хужжатий фильм. 11.55 Умринг боқий бўлсин, Ер! 12.55 Коллаж. 13.00 «Время». 16.15 Киска метр-лики телевизион бадийн фильмлар. 17.10 «Ахлатга...» Хужжатий фильм. 17.40 Фалсафий суҳбатлар. 18.25 Шувалов куй-лайди. 18.50 Америкадан мактублар. 19.45 Тарақиёт. Ахбо-

рот. Реклама. 20.15 Минотар хузурига ташриф. Беш серияли телевизион бадийн фильм. 5-серия. 21.30 «Время». 22.00 Коллаж. 22.05 Икки ишлар ва-зирлиги маълумотларига кўра. 22.15 Бу бўлган... бўлганди... 22.35 «В и Д» программаси. 01.35 ТСН.

● МТ II

9.15, 10.25 Илмий-оммабол фильмлар. 9.35, 10.40 Тарих. 9.55 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35, 12.35 Адабиёт. 12.05 Давомий мўтолаа. Кун-долкидаги кишилар. «Полес-е вокаеси». 4-серия. 17.30 РСФСР шаҳарлари телестудия-лари. 18.30 Спорт халмаа учун. 19.00 «Время». 19.30 Волеябол. СССР — Франция. 20.30 Ту-нингиз хайрли бўлсин, кичкин-тойлар. 20.45 Коллаж. 20.50 Концерт. 22.00 СССР Олий Со-вети сессиясида. 23.30 «Дулиси-нея Тобосская». Телевизион бадийн фильм. 2-серия.



19 ОКТАБРЬ

Жума

● УЗТВ I

11.25 Кўрсатувлар тартиби. 11.30 Фильм-концерт. 12.00 Ю-кoлсин севги фронтдаги чай-ковчилик. Бадийн фильм. 18.00 Кўрсатувлар тартиби. 18.05 Ян-гилликлар. 18.10 Мактабимиз — фахримиз. 18.50 Концерт. 19.30 «Ахборот» (рус тили). 19.50 Хизматимиздан мамнунмисиз! 20.30 «Ахборот». 20.50 Муно-

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ:
700083, ТОШКЕНТ,
ЛЕНИНГРАД
КҮЧАСИ, 32.



МУХАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БҒЛИМЛАР: мафкура — 325778, лекциончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; махаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

ТОШКЕНТ
ҲАҚИКАТИ
(«ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)